

СУД ИШЛАРИНИ ЖАМОАТЧИЛИК ТОМОНИДАН ЁРИТИБ БОРИШ ЧЕГАРАЛАРИ

Шерматов Муроджон Абдумутал ўғли
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби таянч докторанти
+ 99890 274 77 86
murodjonlawyer0107@gmail.com

Мамлакатимизда давлат бошқаруви механизмлари такомиллашиб, жамият манфаатларига жавоб берадиган демократик тамойилларга асосланган, яъни халқ томонидан давлат органларини шакллантириш ва улар фаолиятини жамоатчилик томонидан назорат қилиб бориш тизими шаклланмоқда.

Хусусан, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ҳисобдорлиги самарали одил судлов тизимининг бир-бирини тўлдириб боровчи икки жиҳати ҳисобланади. Бирок, ҳозирги кунда ушбу принциплар ўртасида муайян қарама-қаршиликлар мавжуд бўлиб, буни судларда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ тартиб ва ўзаро чегаралари белгилаб олинмагани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бинобарин, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларини кучайтириш, судга ҳурматсизлик қилиш ва суд ишига аралашуш ҳолатларининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 16 январдаги ПФ-11-сон Фармони қабул қилинган¹⁵ бўлсада, судлар фаолиятини жамоатчилик томонидан назорат қилиб бориш тартиби ва шартлари белгиланмаган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунида судлар устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид нормалар назарда тутилмаган. Шунга қўра, судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини тартибга солувчи нормаларни қонун даражасида белгилаб, унда суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигига оид асосий тамойилларни инобатга олиб, бундай назоратни амалга ошириш доираси, мақсад ва вазифалари, шакллари ва тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бинобарин, судлар фаолиятига оид ҳар қандай назоратни амалга оширишнинг асосий шарти судьяларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятига дахл қилмаслик, уларга босим ёки салбий таъсир ўтказмаслик, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигига раҳна солмаслик ҳисобланади.

Шу сабабли судларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш мураккаб жараён бўлиб, у нафақат судлар ва судьяларнинг, балки жамоатчилик назоратини амалга

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 16 январь кунги ПФ-11-сон фармони. <https://lex.uz/uz/docs/6358976>

оширувчи субъектларнинг ҳам мустақил фаолият юритишини, уларнинг икки томонлама функцияларни амалга оширишини тақозо этади.

Қайд этиш лозимки, судларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш судлар фаолиятини такомиллашувига, қонуний ва адолатли суд қарорларининг чиқарилишига, судлар фаолиятининг янада очиқ ва шаффоф бўлишига эришиш мақсадини кўзлайди. Бироқ, мазкур фаолият қонунчиликка ҳамда суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига тўлиқ риоя қилинган ҳолдагина ўз самарасини бериб, фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини амалда таъминлаш имконини беради. Акс ҳолда жамоатчилик назорати одил судловнинг ташқи таъсир остида амалга оширилишига, бу эса ўз навбатида жамиятда адолатни қарор топтириш, қонун устуворлигини таъминлашдек олий қадриятларнинг йўқ қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Шунга кўра, жамоатчилик назорати субъектларининг одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик, муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқишга тўсқинлик қилганлик ёки ғайриқонуний суд ҳужжати чиқаришга эришиш мақсадида ноқонуний хатти-ҳаракатларни қилганлик учун таъсир чораларини белгилаш лозим бўлади.

Хусусан, судьяларнинг фаолиятига аралашинишга йўл қўйилмаслигига оид кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 66-моддасида белгиланган бўлиб, унда судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашинишга йўл қўйилмаслиги, муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқишга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд ҳужжати чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин таъсир кўрсатганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бинобарин, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши, яъни судлар томонидан ишни кўриб чиқиш, адолатни қарор топтиришдаги фаолиятига ҳеч ким, ҳеч қандай шаклда аралашинишга ҳақли эмаслиги, хусусан одил судлов фақатгина судлар томонидан амалга оширилиши, жумладан муайян суд ишини айтилган йўналишда олиб боришни талаб қилиш ёки суд қарорини қабул қилиш юзасидан намоёнлар ўтказишга оид ҳаракатларни қайд этиб ўтиш мумкин. Ушбу Қонуннинг 63-моддасида эса, судьяга ҳурматсизлик қилганлик, одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятига аралашганлик ва судьянинг дахлсизлигини бузганлик қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган¹⁶.

Амалдаги жиноят қонунчилигида суд ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган¹⁷. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 180-моддасида эса гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасдан

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 63, 66-моддалари, <https://lex.uz/docs/5534923>

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 236-моддаси, <https://lex.uz/docs/111453>

бўйин товлашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган ҳаракатлар судга ҳурматсизлик сифатида баҳоланиши назарда тутилган¹⁸. Бунда жамоатчилик томонидан, судьяларнинг ички ва ташқи аралашувларсиз одил судловни амалга ошириши ишларни кўришда ҳолис, фактларга асосланиб ва қонунга мувофиқ, ҳеч бир чекловлар, ноқонуний таъсирлар, босим, таҳдид ёки ким томонидан ва қандай сабаблар бўлмасин бевосита ёки билвосита ўз фаолиятларини аралашувларсиз амалга оширишни назарда тутати. Жумладан, одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятга аралашуш сифатида - судлар томонидан муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўриб чиқишга тўққинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд ҳужжати чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин таъсир кўрсатиш ва судьядан кўрилган ёки иш юритишидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни талаб қилиш, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этиш тақиқланиши белгиланган¹⁹.

Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашуш тергов органи, прокуратура ёки суд биноси ёнида шиор ёзилган плакатлар билан терговнинг барча қисми ёки бир қисмини ёхуд иш ташлаш билан боғлиқ митинг ёки намойиш ўтказиш, тергов, прокуратура ёки суд органлари биноси ёнида очлик эълон қилиш, оммавий ахборот воситаларида кампаниялар ташкил этиш ва бошқаларда намоён бўлиши мумкин²⁰.

Бундан ташқари, жамоатчилик назорати субъектлари томонидан судьяларнинг одил судловни амалга оширишга оид фаолиятига аралашуш ҳали якуний қарор қабул қилинмаган ишлар бўйича аввалдан шахснинг айбдор ёки айбсизлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишга киришиш, бир томонлама ноҳолис фикрларни тарқатиш, ишга оид далилларни ўзича талқин қилиш каби ҳаракатларда ҳам намоён бўлади. Бундай ҳолатлар суд ишларига таъсир ўтказишга уриниш эҳтимолини келтириб чиқариши мумкинлиги ҳамда амалдаги қонунчилик, хусусан, айбсизлик презумпцияси тамойилига ҳам зид бўлиб, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига путур етишига олиб келиши мумкинлигини эътибордан қочирмаслик лозим бўлади.

Шунга кўра судларда жамоатчилик назоратини амалга оширишда қуйидаги ноқонуний хатти-ҳаракатлардан тийилиш талаб этилади:

суд биносида ёки бошқа жойда муайян ишни ҳал қилишга қаратилган талаблар баён қилинган плакатларни намойиш қилиш орқали ноқонуний пикетлар, митинг ва намойишлар уюштириш ва ўтказиш;

жамоатчиликнинг эътиборини тортиш мақсадида судларга нисбатан асоссиз маълумотларни тарқатиш ва шу орқали судларни обрўсизлантириш;

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 180-моддаси, <https://lex.uz/acts/97664>

¹⁹ Рустамбоев.М.Х, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм // - Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. Б. 250.

²⁰ Рустамбоев.М.Х, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм // - Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. Б. 251.

муайян ишни ҳал қилишга қаратилган талаблар баён қилинган ҳолда оммавий-ахборот воситалари орқали кампаниялар ташкил қилиш;

судьяга ёки халқ маслаҳатчисига ишни муайян тараф фойдасига ҳал қилиш ҳақида талаб қўйиш ёки шунга мажбурловчи ҳаракатларни қилиш;

судьяга ёки халқ маслаҳатчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига нисбатан таҳдид қилиш, уларнинг яқин қариндошлари билан ўзаро муноабатларга киришиш, уларга муайян моддий манфаатдорликни таклиф қилиш;

суд томонидан кўриб чиқиладиган ишларни, шунингдек ҳал қилинадиган шикоят ва аризаларни давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа муассасалар томонидан “назоратга олинганлиги”ни маълум қилиш ва бошқа усуллар билан тазйиқ ўтказиш;

мансабдор шахслар томонидан муайян ишларни мазмунан ҳал қилиш юзасидан топшириқлар, йўлланмалар бериш ва бошқа ҳаракатлар содир этиш;

қонуний кучга кирмаган суд ҳужжати ёки кўрилаётган иш юзасидан судьядан тушунтиришлар сўраш, суднинг яқин ҳужжати қабул қилинмасидан шахсларнинг айблилик ёки айбсизлик масаласини ҳал қилиш ва ҳоказо.

Бунда тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят тўғрисида хабар бериш, ишга дахлдор янги далилларни келтириш, мансабдор шахслар устидан шикоят қилиш, уларнинг хатти-ҳаракатлари устидан эътироз билдириш тергов, прокурор, суд органларининг фаолиятига аралashiш деб топилмайди. Илтимос қилиш, маслаҳат ёки таклиф қилиш умумий кўринишга эга бўлса (мисол учун бирон-бир суднинг ишларини нашр қилиш ёки мажлисда танқидий фикр билдириш) тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралashiш деб ҳисобланмаслиги лозим.

Бундан ташқари, бир қатор ҳуқуқшунослар суд қарорига журналистик баҳо бериш одил судловга аралashiш деб баҳоланмаслиги, ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келмаслигини таъкидлайдилар. Қолаверса, О.Третьякова ҳам, ҳукм ёки қарор ҳақиқатан ҳам матбуотдаги чиқишлардан кейин бекор қилиниши мумкин ва бу журналистиканинг амалиётга ҳақиқий таъсирини кўрсатади. Оммавий ахборот воситаларида судлар фаолиятининг асосли танқидий таҳлили судьяларнинг қонуний ва асосли қарорлар қабул қилишига ундайди, одил судловга ишончни оширади деб таъкидлайди²¹. Юқоридаги қонун нормаларининг таҳлилидан ҳам кўриш мумкинки, жамоатчилик назорати субъектлари судларнинг иш юритувида бўлган иш ҳужжатлари ёки хатти-ҳаракатлари бўйича ўзларига маълум бўлган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан фикрлар билдириши мумкин. Бирок, Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунига кўра, оммавий ахборот воситаларининг муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиш тақиқланади²².

²¹ Третьякова О.В., Средства массовой информации и авторитет правосудия, Северный (Арктический) федеральный университет им. М. В. Ломоносова, https://www.gramota.net/articles/issn_1997-292X_2012_7-3_50.pdf.

²² Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаси, <https://lex.uz/ru/docs/1106870>

Шунингдек, баъзи бир ҳолатларда шахсий манфаат эвазига жамоатчилик фикрини чалғитиш билан бир вақтда ижтимоий ҳаётимизда тобора кенг акс этаётган очқлик ва шаффофлик, айниқса, сўз эркинлиги каби неъматлар суиистеъмол қилинаётганини ҳам қайд этиш лозим. Хусусан, М.А.Цыганков суд қарорлари фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонуний ва асосли бўлишига қарамай, судга нисбатан жамоатчилик томонидан суднинг ҳар қандай ҳаракатларини танқид қилиш ёки қарорнинг тўғрилигига шубҳа қилиш судьялар томонидан кўпинча суд ишларини бошқаришга аралashiш, суд ҳокимиятини ҳақорат қилиш сифатида қабул қилинади²³. Бирок, жамоатчилик назорати субъектлари ижтимоий аҳамиятга эга маълумотларни тарқатиш ва ўзларининг шахсий мулоҳазалари ва баҳоларини билдириш ҳуқуқига эга ҳисобланади²⁴. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашмаган ва одил судловга нисбатан шубҳа уйғотмаган ҳолда жамоатчилик назоратини амалга ошириш, хусусан қонун бузилиши ҳолатлари бўйича ўз фикрларини эркин билдиришлари, суд мажлисларини ёритиб боришлари мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, судларда жамоатчилик назоратининг самарадорлиги ва таъсирчанлиги назоратни амалга оширишнинг аниқ тартиб ва мезоларининг мавжудлиги, шунингдек қонунда белгиланган муайян чекловлар, хусусан одил судловга аралашганлик ёки таъсир ўтказганлик учун жавобгарлик чоралари белгилангани билан баҳоланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 16 январь кунги ПФ-11-сон фармони. УРЛ // <https://lex.uz/uz/docs/6358976>
2. Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонуни, УРЛ // <https://lex.uz/docs/5534923>
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, УРЛ // <https://lex.uz/docs/111453>
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, УРЛ // <https://lex.uz/acts/97664>
5. Рустамбоев.М.Х, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм УРЛ // - Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. Б. 250.
6. Третьякова О.В., Средства массовой информации и авторитет правосудия, Северный (Арктический) федеральный университет им. М. В. Ломоносова, УРЛ // https://www.gramota.net/articles/issn_1997-292X_2012_7-3_50.pdf.
7. Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни, УРЛ// <https://lex.uz/ru/docs/1106870>

²³ Цыганков А. М. Журналист в судебном процессе: исследование 2004-2005 гг. Петрозаводск, 2006. С. 99.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси, <https://lex.uz/docs/1106870>



8. Цыганков А. М. Журналист в судебном процессе: исследование 2004-2005 г. Петрозаводск, 2006. С. 99.
9. Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни, УРЛ // <https://lex.uz/docs/1106870>